*Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига*

# ФИДОЙИ ИНСОН

***Юрт фарзанди, истиқлол курашчиси, ажойиб инсон Файзулла Хўжаев учун 1921—1923 йиллар энг оғир синовли йиллар бўлди. Чунки янги ташкил этилган Бухоро Халқ Шўро республикасини кадрлар билан таъминлаш, мамлакатда хўжалик ишини йўлга қўйиш, маданиятни юксалтириш борасида астойдил меҳнат қилиш зарур эди. Бухоро Халқ Республикаси Нозирлар Кенгашининг раиси Файзулла Хўжаев ана шундай оғир дамларда ватанпарвар сиймо сифатида тинмай меҳнат қилди.***

Бу даврда синфий душманлар Файзулла Хўжаев, унинг дўстлари Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдулвоҳид Мунзим, Усмон Хўжаев кабиларга қарши чиқдилар. Файзулла Хўжаевнинг бой оиладан келиб чиқиши, у савдогар бойнинг ўғли бўлганлиги мухолифларга катта дастак бўлди. Шу боис қайси анжуманларда, йиғилишларда бўлмасин Файзулла Хўжаевга, унинг ижтимоий келиб чиқишига доир саволлар беришар ва шу саволлар атрофида унга қарши туҳмат ва иғволарни тўқиб марказга, юқори ташҳаёти билан, уларнинг турмуши билан яқиндан танишади. Файзулла Хўжаевнинг жажжи қизи Вилоятни қўлида кўтариб, эркалатади. Файзулла Хўжаевга қизи ҳукумат оромгоҳида дам олиши кераклигини маслаҳат беради.

Қизни эндигина Москва тиббиёт институтини тугатиб келган ёш қиз—врач Фатина Петровна даволайди.

Файзулла Хўжаев Европада таълим олганлиги учун айниқса хотин-қизлар билан муомалада юксак маданиятда бўлади. Айтишларича аёлларга хушмуомалада бўлишда унинг олдига фақат маршал Тухачевский тушиши мумкин экан.

Даволовчи врач қиз Фатина Петровна билан ўртоқларча самимий муносабатда бўлганлигидан унинг мухолифлари Файзулла Хўжаевнинг тилини калта қилиш ниятида катта партиявий йиғилишларда бу хусусда унга телба-тескари саволларни берар ва шу хусусда уни хотинбозликда айблашга ҳаракат қилардилар. Лекин уларнинг бу ножўя ҳаракатлари беҳуда кетади. Файзулла Хўжаевнинг юқорида айтганимиздек



килотларга шикоятлар ёзишар эди. Ана шундайлардан бири 1923 йилда Бухоро Компартиясининг биринчи котиби лавозимига кўтарилган Мавлонбеков ва унинг атрофидаги одамлар Файзулла Хўжаевнинг олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатига қарши турли бўҳтондан иборат шикоятларни ҳатто халқлар «доҳий»си Сталин номига ҳам юборишган эди. Файзулла Хўжаев шундай оғир вазиятда эркин ва кўнгилдагидек ишлашга имконият бўлмаганлигидан юқори ташкилотларга ариза ёзиб Бухоро Халқ Шўро республикаси Нозирлар кенгашининг раислигидан озод қилишларини илтимос қилди. Лекин унинг бу илтимосини юқори ташкилотларнинг раҳбарлари қабул қилишмади. Чунки мана шундай оғир бир дамда фақат Файзулла Хўжаевга ўхшаган доно сиёсатдон, билимдон, ишбилармон, кенг халқ оммаси билан муомалада бўлаоладиган раҳбар керак эди. Шунинг учун ҳам ўша даврдаги марказнинг Ўрта Осиё бўйича вакили Знаменицкий Файзулла Хўжаев томонидан ёзилган аризани қабул қилмайди ва ўзини бу лавозимда янада мустаҳкамроқ ишлашга даъват қилади, унинг мухолифларига қарши курашишга маслаҳат беради.

Файзулла Хўжаев 1923 йилнинг баҳорида бутун оиласи билан дам олиш учун халқлар «доҳий»си И. Сталиннинг чорбоғ-қароргоҳига таклиф этилади. Файзулла Хўжаев, унинг меҳрибон онаси Райҳонбону, турмуш ўртоғи Маликахон, синглиси Робияхонлар ва уч ёшдан ошган ёлғиз қизи Вилоятхонлар маълум вақт доҳий Сталиннинг чорбоғида яшайдилар ва дам оладилар. Ана шу пайтларда Сталин осиёликлар жуда катта шуҳрат қозонишига ғаразгўйлик билан, ҳасад билан қаровчи душманлари анчагина бор эди. Шу боис унинг кейинги фаолиятларида ҳам пашшадан фил ясовчилар кўпайиб кетди. Юқори ташкилотларга давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев тўғрисида ёзилган барча тўғри ва нотўғри шикоятлар кейинчалик ўзининг салбий изини қолдирди: 1937 йилда қизил империя жаллодлари ГПУ ходимлари Файзулла Хўжаевни ҳибсга оладилар ва 1938 йилнинг баҳорида СССР Олий судининг раиси Ульрих бошчилигида Олий суд ҳукми билан у энг олий жазо—отиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Суд жараёни ўн бир кун давом этади. Қораловчи СССР бош прокурори Вишинский Файзулла Хўжаевга бўлмаган айбларни тиркайди. Ва у билан бирга 21 киши, жумладан Акмал Икромов, Бухаринлар 1938 йил 15 март куни ваҳшийларча ўлдириладилар. Файзулла Хўжаев Москвадаги Бутирка қамоқхонасида қатл этилиб унинг жасади Москва чеккасидаги Бурловка қишлоғи ёнидаги жарликка улоқтирилади...

Биз истиқлол учун, Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун фидокорона кураш олиб борган Файзулла Хўжаевнинг 100 йиллик тўйини нишонлар эканмиз унинг жасади кўмилган жойдан ҳокини олиб келиб, Бухорои шарифга ёки Тошкент шаҳрида унинг рамзий мозорини тикласак нур устига аъло нур, савоб иш бўлур эди.

Мажид ҲАСАНИЙ,
филология фанлари номзоди, доцент.

***СУРАТДА:** Файзулла Хўжаев оила аъзолари билан (чапдан-онаси Райҳонбону, турмуш ўртоғи Малика, қизи Вилоят, синглиси Робия).*

*Бир қўшиқ тарихи*

# МАНГУ ЯШАНГ, ФАЙЗУЛЛА БОБО!

***Юртимизнинг ҳар бир тоши, ҳар битта гўшаси ўзида асрий тарихларни мужассам этган. Буни ҳар доим фахр билан такрорлаймиз. Лекин шу тарихларнинг бир хили, шодлик бўлса, бирида ғам-ғусса бисёр...***

***Азим Бухорои шарифнинг кўчаларини кўп бор кезганман. Амир Олимхоннинг қасри, Минораи Калон, Мир Араб мадрасаси, Чор Минор қаршисида соатлаб маҳлиё турганман. Тор кўчаларда неча бор адашганман. Лаби Ҳовуздаги чойхонада кўкчой хўплаб, чанқоғимни қондирганман.***

***Бухорои шарифда бўлганимда доим бир азиз руҳ мен билан қадамба-қадам юргандек бўлади. Унинг чеккан оҳларини эшитгандек бўламан. Қулоғимга эса нолон овози чалингандек бўлади: «Менинг гуноҳим нима эди? Мен ўзимни гуноҳкор санамайман». Шунда тош минорлар ҳам куйлаб юборгандек бўлади:***

**Қадим Бухорога лайлаклар келди,**
**Ўзингиз қайдасиз, Файзулла бобо?**
**Ривоятлар келди, эртаклар келди,**
**Ўзингиз қайдасиз, Файзулла бобо?**

***• Шоир Муҳаммад ЮСУФ ҳикоя қилади:***

— Хизмат жойим тўртинчи қаватдаги нашриёт йўлагида Файзулла Хўжаевнинг каттакон суврати бор эди. Унга боққанимда доим улуғ зотнинг кўзлари эътиборимни ўзига тортарди. Нега шундай бахтли, юртга ота, бош-қош бўлган инсоннинг кўзларида беадад мунг? Кўзларида дард? Бунчалар маъюс кўзларни ҳеч кимда, ҳеч қаерда кўрмаганман. Юрагимни алланима ўртаб, кемириб юборгандек бўлаверарди. Шоир одамнинг юрагидаги туғён, ўртаниш тўрт қатор шеър бўлмагунча ич-бағрингизни эзиб ташлайди. Охири сатрларни қоғозга туширдим:

**Бизку эртакни ҳам суртгаймиз кўзга,**
**Муштоқмиз хабарга, муштоқмиз сўзга.**
**Ҳаммадан ҳам кўпроқ муштоқмиз сизга.**
**Ўзингиз қайдасиз, Файзулла бобо?**

Фақат бу эмас. Шу шеър туртки бўлиб Чўлпон, Фитрат, Қодирий умуман халқимиз бошидаги қора кунлар ҳақидаги дардли қиссам «Қора қуёш» достонини ёздим. Демак, «Файзулла Хўжаев марсияси» шеърим ана шу достоннинг дебочаси сифатида дунёга келган экан-да? Нима бўлмасин шеъримнинг тақдиридан хурсандман, жуда хурсандман.

***... Қўшиқ янграйди. Унинг сатрларини тинглайсизу ҳофизга қўшилиб аста хиргойи қиласиз...***

**Бобоюрт боллари сиздан хотира.**
**Чақнар чироқлари сиздан хотира.**
**Кўз ёш булоқлари сиздан хотира.**
**Ўзингиз қайдасиз, Файзулла бобо?**
**Қўймадик жойига эъзозингизни,**
**Айтмай кетдингизку дил розингизни.**
**Тинглаб юрармизму овозингизни**
**Ўзингиз қайдасиз, Файзулла бобо?**

**• Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон АЗИМОВ ҳикоя қилади:**

— 1989 йилда Улуғбек ҳақидаги «Самарқанд» қўшиғини янги тайёрлаган кезларим эди.

Бир бора муаллифнинг назаридан ўтказиб олиш учун Муҳаммад Юсуфни излаб бордим. Не бахтки ушбу қўшиқни назмимиз булбули, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ҳам эшитдилар.

— Яхши қўшиқ бўлибди, — мақтадилар хурсанд бўлиб. Суҳбат асносида:

— Икковинглар Файзулла Хўжаев ҳақида ҳам бир қўшиқ қилмайсизларми? — деб қолдилар.

— Мен-ку тайёрман, шундай улуғ зот ҳақида қўшиқ айтишга, — дедим, — лекин матнни ким ёзаркин?!

— Мана, шоир бор, — дедилар Абдулла ака.

Муҳаммаджон акам билан у киши ишлайдиган бинода бир неча бор бўлдим. Шу ердаги Файзулла Хўжаевнинг каттакон сувратини кўрсатиб:

— Кўзларига қаранг, кўзларига, — деди Муҳаммаджон ака, — бунақанги дардманд нигоҳни қаерда кўргансиз?

Билсам шу лаҳзаларда Файзулла Хўжаев ҳақида шеър туғилаётган экан. Мен уни ташналик билан ўқиб чиқдим. Эҳтирос билан куй ёздим. Шунчалар ёниб ижро этдим. Қўшиқ жуда машҳур бўлиб кетди. Ҳатто менинг номим «Файзулла бобо» га айланди. Аслида яхши қўшиқ шоир дилида туғилади. Эътибор беринг:

**Йиғлар Самарқандга сирдош Бухоро,**
**Минорада ухлар қуёш Бухоро.**
**Ибн Синолари талаш Бухоро,**
**Ўзингиз қайдасиз, Файзулла бобо?**
**Тупроқнинг инсонга тортиқлари кўп.**
**Тортиғидан инсонга оғриқлари кўп.**
**Гуллаган воҳанинг нотиқлари кўп**
**Ўзингиз қайдасиз, Файзулла бобо?**

Шундай ажойиб шеърни ажойиб қилиб куйламаслик гуноҳ бўлмасмиди? Балки Файзулла Хўжаевдек улуғ инсоннинг руҳи қўллаб, қўшиқ машҳур бўлиб кетгандир. Шу инсоннинг неча йиллардан бери безовта руҳи поки андак бўлса ҳам ором топган, шодланган бўлса, жуда бахтиёр бўлардик...

***... Бухоронинг кўчалари кўп. Ҳар бир кўчада сизни бир олам сир-асрор кутиб тургандек. Шу кўчаларни катта китобнинг варақларига ўхшатаман. Назаримда шу варақдаги сатрлар жамланиб кўз олдимга келади-ю, мен ўқийман:***

**Юракка санчилиб ағёр отган ўқ.**
**Ётарсиз ерга ҳам озорингиз йўқ.**
**Йўқлаб борай десак мозорингиз йўқ.**
**Ўзингиз қайдасиз, Файзулла бобо?**

***Мен билан қадам-бақадам келаётган ўша азиз руҳ тилга киргандек бўлади:***

***— Мен халқимнинг юрагидаман. Мен истиқлолга ташна юракларда мангу жой топганман. Озод юртимнинг музаффар байроғи эпкинларида, улуғвор мадҳияси оҳангларида ором олган жонман! Мени бошқа жойдан изламанг!***

***Қўшиқнинг оҳанглари қанчалар мунис янграйди. У вужудимизда уйғотган туйғулар эса ундан ҳам мунис, ундан ҳам фусункор...***

***Қўшиқ билан мангу яшанг, Файзулла бобо!***

Темур УБАЙДУЛЛО.

*❖ Юрт фарзанди, истиқлол курашчиси*
*❖ Кичкинтойларнинг катта шоири*
*❖ Малакали мутахассислар тайёрланмоқда*
*❖ Жамоат тартиби посбонлари*






***Таниқли шоир Толиб Йўлдошнинг номини каттаю-кичик яхши билади. Унинг «Кўнгил деганлари», «Ёшлик ўйлари», «Умрим», «101 тўртлик», «Ажабсанда», «Аттанг» сингари 20 дан ошиқ лирик ва ҳажвий тўпламлари аллақачон ўқувчилари қалбидан ўрин олган. Шоирни, айниқса, болажонлар жуда яхши кўришади. Толиб Йўлдош болалар шоири сифатида «Бобо ёнғоқ», «Оқ теракми кўк терак», «Шўхсиз, ширинсиз», «Ёқуб той—ёқимтой» сингари 20 га яқин катта-кичик китоблар ёзган.***

***Толиб Йўлдош 80 ёшга кирди. Шундай бўлса ҳам бир лаҳза бўлсин тинмасдан ижод билан банд. Бугун шоирни табаррук ёши билан қутлаб кичкинтойларга шоир боболарининг янги шеърларидан ҳавола қилмоқдамиз.***

*Болалик боғи*

### МУШУГИМИЗ ЙЎҚОЛДИ

*Мушугимиз йўқолди,*
*Дарров ўрни йўқланди.*
*Илиб кетди олғирлар,*
*Уволига қолгурлар.*
*Сичқонни хув овларди,*
*Камдан-кам миёвларди.*
*Чакки бўлди, йўқолди,*
*Қаранг, ўрни йўқланди.*
*Ўз номига муносиб,*
*Йўлбарсдек бир-бир босиб,*
*Юрарди савлат билан,*
*Оғир салобат билан.*
*Ўйинчоқ эмас эди.*
*Эринчоқ эмас эди.*
*Ҳа, жонивор йўқолди.*
*Уйлар ҳувиллаб қолди.*
*Тирноқлари ханжардек,*
*Рақибига санчардек.*
*Панжарани очганча,*
*Гоҳ қувиб, гоҳ қочганча.*
*Ўзича ўйнар эди,*
*Ҳужумни ўйлар эди.*
*Кўра-била йўқотдик.*
*Йўқ ерларга ўқ отдик.*
*Майли, кун кўриб юрсин.*
*Олганларга буюрсин,*
*Ўзимиз йўқолмайлик,*
*Яхшилардан қолмайлик.*

### ЗИЁДИЛЛА — ТИЛЛА

*Тили шакар Зиёдилла,*
*Сўзи новвот.*
*Катта-кичик бирдек ундан*
*Кўнгли обод.*
*Ҳа: одобу ахлоқидан*
*Топган бола.*
*Ақл-ҳушли, барчага тенг.*
*Ёққан бола.*
*Бир иш бўлса «лаббай», хўп деб*
*Қайтмасди.*
*Баъзи ялқов болалардек*
*Койитмасди.*
*Айтганингиз айтган-да, эй,*
*«Балли!» дейсиз.*
*Унинг билан биргалашиб*
*Кўринг-а сиз.*
*Мактабда ҳам эрта — кунда*
*Қўли баланд.*
*Кундалигин варақлайсиз.*
*Ҳавас билан.*
*Барча фандан «5» баҳода ўқир.*
*Шоввоз.*
*Зиёдилла — тилла сўзи*
*Ҳам унга оз.*

*Ўртоқлари билан бир тан*
*Бир жон аҳил,*
*Яхши бола бўлса, шундай*
*Бўлар ахир.*

### ДЎМБОҚЛАРИМ

*Дўмбоқларим, болаликдан*
*Ўжар бўлманг,*
*Ҳар гапда бир лов-лов ёниб,*
*Ўчар бўлманг.*
*Билволинг, яхшиликдан*
*Киши унар.*
*Яхши одат бир умрга*
*Ўлмас ҳунар*
*Катталарнинг кўнглин салом*
*Билан хушланг.*
*Одоб-ахлоқ буюрганин*
*Маҳкам ушланг.*
*Меҳнатсевар бўлинг, ишга —*
*иштаҳали,*
*Жон койитинг, сояпар*
*бўлманг, балли.*
*Катта-кичик ҳаммани ўз*
*ҳурмати бор.*
*Тўғри сўзнинг мағзи тўла*
*ва беғубор.*

### УШОҚ МАЙДА

*Қўл тутарли ери ҳам йўқ*
*Ушоқ майда,*
*Тўкилганин терволиш*
*Кони фойда.*
*Ҳар бир нарса майдаликдан*
*Катта бўлар.*
*Киши билмас доим*
*ҳаракатда*
*бўлар.*
*Шундан кўзга суртарлар*
*босманг, дея.*
*Ачиниш — ким тўкибди.*
*Ия-ия!*
*Кўтарамиз ердан дарҳол*
*кафтимизга.*
*Олтин бошоқ — ушоқ ҳаёт*
*берар бизга.*

### СОҒЛИҚ

*Иссиқ жон йўқ иситмасиз*
*Бўлмаган ҳеч.*
*Иссиғингни ўлчатиб юр,*
*Эртами - кеч.*
*Бугун шундай, бириси куни*
*Бошқароқсан.*
*Этинг жунжиб қалтирайсан.*
*Бош-оёқдан.*
*Нега бундай рангинг бир ҳол.*
*иштаҳанг йўқ.*
*(Ҳамма вақт ҳам ўтавермас*
*қуюқ-суюқ)*
*Оғзинг қурир, сен парвосиз.*
*Бўлса-бўлар.*
*Касалликнинг бошланиши.*
*ахир булар.*
*Вақтни қўлдан бермай югур*
*Докторга бор.*
*Соғлиғингни эҳтиёт қил.*
*бола, дарҳол!*

Толиб ЙЎЛДОШ.

*Митти масаллар*

## ТЕНГ — ТЕНГИ БИЛАН

— Бирлашами -и -з! Бирлашами -и -и -з! — Оч айиқнинг бу ўкириғи ўрмон жониворларига худди «Кеп қолинг, текин ош» дегандай эшитилиб, қаймоқдай ёқиб тушди. Ҳаммалари бир-бирларини туртиб-суртиб, ўзларини айиқ уясига урдилар: қуён, буғу, эчки, бўрсиқ... Маймоқвой ландовурларнинг ҳаммасини ўз уясига қамади-ю, шўрликларни бемалол битта-битта еб ётаверди.

Фақатгина қопқон жониворларни ўйлаб иш тутишга ундаган эди: етти ўлчаб — бир кес!!!

## БИР БАЛОСИ БЎЛМАСА...

Олмахондан сўрашди:

— Тўнғиз билан бўри рўзғорларини бир қилиб, сениям ўз улфатларига таклиф қилишган экан. Сен нега рад қиляпсан? Уларга қўшилиб олсанг бўлмайдими?

— Эй, дўстлар, — деди олмахон мийиғида кулимсираб, бўри акамнинг емиши гўшт бўлса, тўнғиз акам илдизу — ёнғоқ ғажийдилар. Уларнинг тиши бир-бирига ўтмайдики, иттифоқ бўлиб юришибди. Лекин мен уларга қўшилиб қолсам борми: бири гўштимни хомталаш қилса, бири қишга ғамлаб қўйган мева-чева, писта-бодомларимга эга чиқади. Шунинг учун менга энг қулайи: ўз уйим — ўлан тўшагим.

Алишер САЪДУЛЛАЕВ.

*«Мустақиллик даври матбуоти»*

# ЙИЛНИНГ ЭНГ ИЛҒОР ТАҲРИРИЯТИ, ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва республика Журналистлар уюшмаси «Мустақиллик даври матбуоти» шиори остида «Йилнинг энг яхши журналисти», «Йилнинг энг илғор таҳририяти» танловини ўтказади.

Танловда республика, вилоят, шаҳар, туман газеталарида, шунингдек, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги телевидение ва радио журналистлари, таҳририят жамоалари қатнашишлари мумкин. Танловга тақдим этилаётган таҳририятлар фаолияти, мақолалар Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, янгича миллий тафаккурни бойитишга қаратилган бўлмоғи, юксак маҳорат ва истеъдод талабларига жавоб бериши билан ажралиб турмоғи керак. Танловга тақдим этилган ижод намуналарига таҳририят жамоасининг қарори ва мухтасар тақризи илова қилинади. Танлов мақолалари 2 нусхада Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувига (700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй) 1996 йилнинг 1 декабрига қадар юборилиши лозим. Ғолиблар 1997 йил арафасида матбуотда эълон қилинади.

Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланадилар:

1. Журналистлар учун:

Биринчи мукофот (тўртта) — ҳар бири 10000 сўм.
Иккинчи мукофот (бешта) — ҳар бири 7000 сўм.
Учинчи мукофот (бешта) — ҳар бири 5000 сўм.

2. Республика, вилоят, шаҳар, туман ва кўп нусхали газета таҳририятлари учун:

Биринчи мукофот (бешта) — ҳар бири 10000 сўм.
Иккинчи мукофот (тўққизта) — ҳар бири 7000 сўм.
Учинчи мукофот (олтита) — ҳар бири 5000 сўм.

3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, телевидение ва радио ижодкорлари учун:

Биринчи мукофот (иккита) — ҳар бири 10000 сўм.
Иккинчи мукофот (иккита) — ҳар бири 7000 сўм.
Учинчи мукофот (тўртта) — ҳар бири 5000 сўм.



*Дўппи тикдим ипаклари тиллодан, Тилло эмас, заррин, заррин матодан....*

*Билим масканларида*

# ЯХШИ НИЯТ

***Тошкент алоқа коллежи замонавий радио-электр алоқаси ва почта соҳасида малакали мутахассислар тайёрловчи асосий билим ўчоқларидан биридир.***

Коллежимизда чуқур билим олиш учун барча шароитлар муҳайё. Айниқса, ЭҲМ ўргатиш ва чет тилларини ўқитишга катта эътибор берилади. Турли вилоятлардан келиб ўқиётган сабоқдошларимиз ихтиёрига 4 та ЭҲМ синфи ва лингафон хоналари бериб қўйилган. Хилма-хил спорт тўгараклари мунтазам ишлаяпти. Яқин келажакда ўз алоқа йўлдошларимиз бўлиши, радио ва ҳатто видеотелефонларимиз яратилишига жуда ишонамиз. Уч қардош юрт иштирокида «Марказий Осиё электрон» трансмиллий саноат гуруҳини тузиш ҳақидаги қарор ҳам ана шундай орзу қилиш ва уни рўёбга чиқишига ишонч туғдиради. Бунга албатта, биз бўлажак алоқа мутахассислари ҳам ўз ҳиссамизни қўшамиз. Яхши ният-да!

Шуҳрат СУЛТОНОВ,
Аҳрор ЭЛМИРЗАЕВ,
Тошкент алоқа коллежи талабалари.

*Ножўя иш — келтирар ташвиш*

## «ЮТУҚ»НИНГ ЮТҚИЧИ

Миробод тумани ички ишлар ходимларини бу жиноятни очиш анча ўйлантириб қўйди. Ўғирлик содир бўлган жой ва унга яқин бўлган иншоотлар орқали ёмон ниятдаги киши қандай ва қайси йўллар билан кириб келиши ўрганилиб чиқилди. Охирги хулосага келинди. Ўғри ташқаридан келмаган. У шу ерлик ходимлардан бири бўлиши керак. Ходимларга билдирилмаган ҳолда кузатув олиб борилди. У ўзининг самарасини берди. Ўғирлик содир бўлгандан роппа-роса ўн кундан кейин жиноят очилди. «Шарп-21100704» факс аккумулятори, 5 та автошинани ва 2 та аккумуляторни ўғирлаган киши шу ерда ишлайдиган А. Рафаэль бўлиб чиқди.

## «АСР»ДАГИ ҚОТИЛЛИК

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Аср» фирмасида қотиллик рўй берди. Воқеа содир бўлган жойга ички ишлар ходимлари етиб боришганида фирма ходими А. Самвел чала жонлигича ётганди. Ваҳшийлар уни қийнаб шу аҳволга солишганди. Самвелнинг жароҳати шунчалик оғир экан, касалхонага етмасданоқ оламдан ўтди. Фирмада сотувчи бўлиб ишлайдиган А. Надежданинг ўлигини эса иш жойидан топишди. Унга ҳам бир неча марта пичоқдан жароҳат етказилганди. Оқибатда кўп қон йўқотган Надежда қотиллар қурбонига айланди.

Ички ишлар ходимлари қотилларни ушлаш учун барча имкониятларни ишга солишди. Уларни танийдиган, биладиган, ҳамкорлик қиладиган одамларнинг ҳаммаси сўраб-суриштирилди.

Қотиллар аниқланиб қўлга олинди. Улар 24 ёшли А. Юрий ва Т. Бахтиёрлар бўлиб чиқишди. Айни кунда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## УСТАНИНГ «УСТАЛИГИ» ЎТМАДИ

Юлғичликни бугунги иқтисодий тангликдан чиқишнинг осон йўли деб билган Мирзо Улуғбек туманида яшайдиган телевизор устаси Б. Михаил ҳам терговда жавоб бериб ўтирибди.

Михаил кундалик тушумга қаноат қилмай юлғичлик қилишга ўтиб олди. Мижозлардан 100 сўм, 200 сўм уриб қолса ҳам бечоралар телевизори тузалганига хурсанд бўлиб қолаверишарди. Семизликни қўй кўтаради, деганларидек мижозларнинг ҳотамтойлигини у кўтаролмади. Нафси қурғур ол-ол деб қийнаб турганидан кейин яна ҳам каттароқ олишга ўрганиб қолди. Аҳвол шу даражага етдики, телевизорни тузатгач, «Фалон пул бермасанг телевизордан умидингни уз», қабилидаги дўққа ўтди. Уста Светлана Никифирова деган мижознинг рангли «Фотон» телевизорини олиб қўйиб, ундан 3 минг сўм пул талаб қилади. Акс ҳолда телевизорни сотиб юборишини айтади. Бу ҳолатга ички ишлар ходимлари ойдинлик киритишди. Юлғичлик билан шуғулланиб келган Михаил энди қилмишига яраша жазосини олиши тайин.

## ГИЁВАНДЛАР ТЎДАСИ УШЛАНДИ

Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари олиб борган тезкор тадбирлар муваффақиятли якунланди. Тумандаги мавзелардан бирида уя қуриб олган гиёвандлар тўдаси фош қилиниб, қўлга олинди. Тунги соат бирларда гиёвандлик моддасини сотаётган А. Ҳамро ва уни сотиб олаётган В. Қаландарлар ашёвий далиллар билан ушланди.

Маълум бўлишича гиёвандлик моддаларини қўшни Тожикистон Республикасидан олиб келиб сотиш билан шуғулланиб юрган кимсалар ҳеч қаерда ишламайдиган шахслар экан. Энди бу кимсалар қонунларимизда белгиланган жазони олишлари муқаррар.

## ҚИММАТГА ТУШДИ

Ҳамза туманидаги пивохоналардан бирига пиво ичгани келган С. Тимофейнинг хаёлига ҳеч ҳам шу келмаган экан. Бу гал у бир зумга кириб пиво ичаману чиқаман, дегандида. Йўлдан ўтиб кетаётганида пивохонада унча одам йўқлигидан фойдаланиб, велосипедини шу томонга бурди. Уни бир чеккага қўйиб, ўзи пиво ичгани кириб кетди.

Афсуски велосипедда келиб, уйига пиёда кетишга тўғри келди. Бир хўплам пиво унга қимматга тушиб кетди. Хотини Василисанинг берган маслаҳатидан кейин бор гапни милицияга айтишга қарор қилди.

Ҳамза тумани ички ишлар ходимлари велосипед ўғрисини тезда ушлашга муваффақ бўлишди. 1966 йилда туғилган С. Мурод «сайр» этиш мақсадида уни ҳайдаб кетганлиги маълум бўлди. Ўзгаларнинг сайри бечора Тимофейга қимматга тушди. Шунча оворагарчилик, шунча сиқилиш ва югуришларнинг сабабчиси деб пивони айбламоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
*Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот хизмати ходими.*

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

